

9-10-2020

## PRINCIPLES IMPROVING THE MODEL OF ADVANCING LEADERSHIP OF PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS

Shakhnoza Nuriddinovna Kosimova

*Institute for Retraining and Advanced Training of Preschool Education Personnel and manager, Senior lecturer*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

---

### Recommended Citation

Kosimova, Shakhnoza Nuriddinovna (2020) "PRINCIPLES IMPROVING THE MODEL OF ADVANCING LEADERSHIP OF PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 2 : Iss. 9 , Article 70.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol2/iss9/70>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

---

## PRINCIPLES IMPROVING THE MODEL OF ADVANCING LEADERSHIP OF PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS

**Cover Page Footnote**

???????

**Erratum**

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2020 йил 9 сон**

аниқланган таркибий қисмлари ўқувчиларда шаклланган деган хулосага келишимизга имкон берди.

### Адабиётлар

1. Варламова Т.П. Формирование логической компетентности в процессе обучения математике. Красноярск, 2006 г. – 195 с.

2. Петерсон, Л.Г. Интегративная теория развивающего обучения [Текст] / Л.Г. Петерсон // Математика для каждого. – М.: Школа 2000 ... – 2002.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ РАЎБАРЛАРИНИНГ МАЛАКАСИ ОШИРИШ МОДЕЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Қосимова Шахноза Нуриддиновна

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, катта ўқитувчи

*Аннотация:* Ушбу мақолада малакасини ошириш тизимини умумий тавсифи ҳамда уни ривожлантиришга бўлган ёндашувлар баён қилинган. Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларини малакасини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш учун мавжуд бўлган айрим назарий ва амалий моделлар кўриб чиқилган. Малака ошириш жараёни самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган таълим тамойиллари санаб ўтилган. Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг малакасини ошириш моделини такомиллаштириш тамойиллари тавсифланган. Ушбу тамойилларни тавсифлашда малака ошириш моделини такомиллаштиришга имкон берувчи шахсга йўналтирилган ёндашув асос қилиб олинган.

*Калит сўзлар:* малака ошириш тизими, такомиллаштириш, малака ошириш модели, шахсга йўналтирилган ёндашув, таълим тамойиллари.

## ПРИНЦИПЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МОДЕЛИ ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ

Косимова Шахноза Нуриддиновна

Институт переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений, старший преподаватель

*Аннотация:* В статье дается общее описание системы повышения квалификации и подходов к ее развитию. Рассмотрены существующие теоретические и практические модели, позволяющие выявить основные направления профессионального развития руководителей дошкольного образования. Перечислены принципы обучения, которые служат повышению эффективности тренировочного процесса. Описаны принципы совершенствования модели повышения квалификации руководителей дошкольных



образовательных учреждений. Описание этих принципов основано на личностно-ориентированном подходе, позволяющем улучшить модель профессионального развития.

**Ключевые слова:** система повышения квалификации, совершенствование, модель повышения квалификации, личностный подход, принципы обучения.

## **PRINCIPLES IMPROVING THE MODEL OF ADVANCING LEADERSHIP OF PRESCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS**

Kosimova Shakhnoza Nuriddinovna

Institute for Retraining and Advanced Training of Preschool Education Personnel and manager, Senior lecturer

**Annotation:** This article provides a general description of the in-service training system and approaches to its development. Some existing theoretical and practical models are considered to identify the main directions of professional development of preschool education leaders. The principles of education that serve to increase the effectiveness of the training process are listed. The principles of improving the model of professional development of heads of preschool educational institutions are described. The description of these principles is based on a person-centered approach that allows to improve the model of professional development.

**Keywords:** advanced training system, improvement, training model, personal approach, principles of training.

Малака ошириш тизими - бу ижтимоий талаблар, илмий ютуқлар ва амалиёт эҳтиёжларини бирлаштирган энг барқарор тузилмадир. Малака ошириш - бу шундай таълим жараёни, унинг доирасида илгари олинган малакаларни сақлаб қолиш, кучайтириш ва кенгайтириш, ўзгарган ҳолатга мослаштириш, янги, янада юқори лавозимда ишлаш учун ёки инновацион таълим ташкилоти учун зарур бўлган даражага етказиш керак. Айтиш мумкинки, касб таълими икки босқични ўз ичига олади: бирламчи касб таълими ва илгари олинган малакаларнинг кейинги чуқурлаштирилиши, кенгайтирилиши ва тўлдирилиши. Бундан келиб чиқадикки, таълимнинг биринчи босқичи тугаганидан кейинги таълим жараёнларини умумлаштирилган ҳолда малака ошириш деб номланади.

Малака ошириш тизимининг замонавий даврининг ўзига хос хусусияти бошқарув соҳасидаги энг сўнгги илмий ва педагогик ютуқларни мактабгача таълим ташкилотлари амалиётига жорий этиш зарурати билан бир қаторда раҳбарларнинг профессионаллиги ва маҳоратини ошириш мақсадида малака оширишни ташкил этиш ва қўллаб қувватлаш моделини ишлаб чиқиш зарурлигидир [12]. Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари учун уларнинг малакасини оширишнинг асосий йўналишларини аниқлаш учун мавжуд бўлган назарий ва амалий моделларни кўриб чиқайлик.

Мактабгача таълимнинг замонавий назарияси ва амалиётида мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларини тайёрлашни ташкил этишнинг иккита асосий ёндашуви кўрсатилган: Биринчи ёндашув - мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг касбий фаолиятини босқичма-босқич ривожлантириш ва тарбиячи – тарбиячи методист – раҳбар фаолиятини изчил равишда ўзлаштиришдан

иборатдир. Ушбу ёндашув мактабгача таълим тизимини ривожлантириш давомида амалга оширилди ва бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Иккинчи ёндашув мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг бошланғич табақалаштирилган тайёргарлиги билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда ушбу муаммога катта эътибор берилмоқда. Жумладан, В.И. Ядешко, С.А. Езопова, М.А. Ковардакова, В.П. Кожокар, Л.В. Поздняк, Р.К. Тропина ва бошқалар уни ишлаб чиқиш билан шуғулланганлар.

Ўрганилаётган муаммо нуқтаи назаридан В.П. Кожокар томонидан ишлаб чиқилган мактабгача тарбия ташкилотчиларини уларнинг ўзаро боғлиқлигида тайёрлаш модели ва малака ошириши қизиқиш уйғотади [4].

Муаллиф малака ошириш жараёнини мутахассиснинг мактабгача таълим ташкилотида бошқарув фаолиятини амалга оширишга тайёрлиги моделига мувофиқ амалга оширишни таклиф қилади, аммо бу мактабгача таълимни бошқариш органлари, олий ўқув юртларида мактабгача таълим мутахассисларини тайёрлашнинг яхлитлиги ва кейинги малака ошириш тизими тамойилларига асосланган режа ва дастурларни ҳамкорликда ишлаш тизимининг мавжудлигини талаб қилади. Мутахассиснинг мактабгача таълим муассасасини бошқаришга тайёрлигини тавсифлашда В.П.Кожокар раҳбар учун зарур бўлган бошқарув билимлари ва кўникмаларини аниқлайди: илғор бошқарув фаолияти тажрибасини умумлаштириш ва қўллаш қобилияти, ота-оналар ва жамоатчилик билан ишлашни ташкил этишда қобилият ва кўникмаларнинг шаклланганлиги, мактабгача таълим ташкилотида бошқарув жараёнини лойиҳалаш ва ташхислаш. Бизнинг фикримизча, санаб ўтилган хусусиятлар болалар боғчаси раҳбарининг фаолияти, уларнинг услубий ва назарий тайёргарлиги, ижодий потенциали ва профессионал жиҳатдан муҳим шахсий фазилатларини ривожлантириш учун ижтимоий талабларга етарли даражада жавоб бермайди.

Мутахассисларни тайёрлашнинг яратилган моделлари тингловчиларнинг келажакдаги касбий бошқарув фаолиятига шахсий ва касбий тайёргарлигини шакллантиришга ёрдам берадиган педагогик шароитларни яратишга асосланган бўлиши керак. Замонавий малака ошириш тизими мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларига қўйиладиган талабларга жавоб бериши керак, яъни ривожланиш тамойили малака ошириш жараёнидаги ўқув фаолиятининг асоси бўлиши керак [11].

Катта ёшдагиларга таълим бериш жараёнининг самарадорлигида касбий тажриба муҳим рол ўйнайди. Ҳаёт ва ишлаб чиқариш тажрибаси - ўзлаштириш учун материал танлашда мезон бўлиб хизмат қилади.

Катталарни ўқитишда яна бир қийинчилик, катталарнинг етакчи фаолияти – бу меҳнат фаолияти эканлиги билан боғлиқ. Катталар учун таълим - бу ғайриоддий ҳолат, ҳамма ҳам унда, эҳтимолли муваффақиятсизликлардан кўрқмасдан, ўзини дадил тутолмайди. Катталар ўзларининг ўрганиш қобилиятларидан шубҳаланадилар, таълим жараёнида ўзларининг саводсизликлари сезилиб қолиши мумкинлигидан ишончсизлик ҳис этадилар, бошқа тингловчи билан таққослаш уларнинг фойдасига бўлмаслиги мумкин. Бизнинг фикримизча, ўқитишда раҳбарларнинг таълим позициясини эгаллашига ёрдам бериш муҳимдир. Шунинг

учун ҳам малака ошириш моделини такомиллаштиришда шахсий ёндашувни ҳисобга олиш алоҳида ўрин тутди.

Шахсий ёндашув таълим жараёнини тузиш ва амалга оширишда шахсга йўналтирилганликни англатади, унинг ноёблигини, интеллектуал эркинликни ҳурмат қилиш ҳуқуқини тан олишни талаб қилади ва бунинг учун тегишли шарт-шароитларни яратишни назарда тутди. Унинг вазифаси ҳамма учун умумий ривожланиш чизигини режалаштириш ва ишлаб чиқиш эмас, балки ҳар бир катта кишига унинг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўзини шахс сифатида ривожлантиришга ёрдам беришдир. Гуманистик парадигмани тавсифловчи, Э.Б. Бондаревская шахсга йўналтирилган таълимнинг мақсади, ўзини ўзи реализация қилиш, ўзини ўзи ривожлантириш, мустақил таълим олиш механизмларидан фойдаланган ҳолда инсонда инсонни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш деб билади [1, 15-б.].

Шахсга йўналтирилган таълим мақсадини амалга ошириш учун маълум тамойилларни бажариш керак. Малака ошириш педагогикаси йўқлигига қарамай, тадқиқотчилар педагогиканинг янги соҳа - кадрларнинг малакасини ошириш дидактикасини ишлаб чиқмоқдалар ва илмий асосламоқдалар. Малака ошириш тизимида таълим жараёни субъектлари фаолиятига қўйиладиган асосий талабларни белгиладиган таълим тамойиллари ишлаб чиқилган. С.И. Змеев катталарни ўқитиш тамойилларини андрагогик деб атади ва уларни катталарни ўқитиш назариясининг асоси сифатида белгилаб берди [4]. У қуйидаги тамойилларни ажратиб кўрсатади:

- мустақил таълимнинг устуворлиги;
- биргаликдаги фаолият тамойили;
- тингловчининг тажрибасига таяниш тамойили;
- таълимнинг индивидуаллаштирилиши;
- таълимнинг тизимлилиги;
- таълимнинг контекстлилиги;
- таълим натижаларини янгилаш тамойили;
- таълимни танлаш (электив) тамойили;
- таълим эҳтиёжларини ривожлантириш тамойили;
- таълимни англаш тамойили.

Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, ҳақиқий таълим амалиётида кўрсатилган тамойиллар тўлиқ қўлланиладиган вазиятни топиб бўлмайди.

Биз томонимиздан мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларининг малакасини ошириш моделини такомиллаштиришга асос қилиб олинган таълим таъмойилларини кўриб ўтайлик.

**1. Раҳбарларга ўз касбий ривожланишининг субъекти сифатида қараш тамойили.** Раҳбарнинг етакчи фаолият тури бу унинг бошқарув фаолияти бўлиб, унда катталар унинг субъекти сифатида юзага келади. Таълим жараёнида бошқарувчи ўзини мустақил субъект сифатида ҳам кўради. Унинг учун таълим жараёни мустақил таълим фаолиятининг маъносини англатади, бунда у танлаш имкониятига эга бўлиб, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи тартибга солишга қобилиятига эга. Таълим олиш жараёнига ўз касбий фаолиятидаги муаммоларни



ҳал қилиш эҳтиёжидан, профессионал режаларидан, касбий ва шахсий ривожланиш истагидан келиб чиқиб ёндашади. Малака ошириш тизимида катталарга таълим беришнинг ўзига хос хусусияти унинг мустақилликка асосланган ихтиёрийлигидир [8, 19-б.]. Шахснинг таълим жараёнига жалб этилиш даражаси қуйидаги универсал фазилатларга боғлиқ: тафаккурнинг автономлиги, янгиликларга, ҳамкорликка қодирлиги, ўрганиш ва олинган билимларни бошқаларга бера олиш қобилияти ва бошқалар [10]. Малака оширишга ихтиёрий ёндашувда раҳбарларнинг касбий ривожланиши учун шахсий жавобгарлиги ошади. Андрагог-ўқитувчининг асосий вазифаси “катталарни мустақил ўқув фаолиятига жалб қилиш, уни ушбу фаолият субъекти мавқеига қўйиш” ҳисобланади [6, 19-б.].

**2. Индивидуаллаштириш тамойили.** Ушбу тамойилни амалга ошириш жамоавий, гуруҳ ва индивидуал машғулотларнинг комбинациясига асосланган. Классик машғулот турларининг ташкилий ролисиз индивидуал ўзини ўзи ўқитиш самарали эмас. Ўзини, ўз талабларини муаммога жамоавий тасаввурлар билан таққослаш, эҳтимол, унинг субъект учун янги ечимини кўзда тутаяди. Бошқа томондан, муаммога туғма индивидуал тасаввурлар ушбу умумий қарашни “дунёнинг яна бир инсоний тасаввури” билан бойитади [2, 66-б.]. Тамойилни амалга ошириш таълим фаолияти услубининг индивидуал эҳтиёжлари, муаммолари, мотивлари, суръати ва хусусиятларини, шунингдек, ташкилий масалаларни ҳисобга олишни кўзда тутаяди: вақт, ўқиш тартиби ва бошқалар. Бундай танлов имкониятига эга бўлмаган шахс ўз таълимининг самарадорлиги учун жавобгарликни олиб ташлайди.

**3. Рухий қулайлик.** Ўқув жараёнида ҳамма билан ҳамма ўртасидаги мулоқот зарур: андрагог-ўқитувчилар тингловчилар билан, тингловчилар эса ўзлари билан. Бундай алоқа ўзини ўзи реализация қилишда ёрдам беради, бу ҳар қандай таълим таркиби ва усули учун зарурдир.

**4. Ахборотнинг етарлилиги тамойили.** Олинадиган маълумотлар раҳбарга уни атрофдаги оламга мослашишга имкон бериши керак; иккинчи томондан, олинган билимлар янги технологияларни амалиётда қўллаш, амалий муаммоларни янги усуллар билан ҳал қилиш учун етарли бўлиши керак.

**5. Фаоллик тамойили.** Назарий ва амалий муаммоларни ўрганишга киришган ҳолда, катталар ушбу муаммоларни қабул қилади ёки қабул қилмайди, уни ҳал қилиш учун тақдим этилган вариантларга қўшилади ёки қўшилмайди ва релевант маълумотларни танлайди. Фаоллик, М.Н. Скаткиннинг фикрига кўра, “ўйлаб кўрилиши одатий тасаввурлар ва умумлашмаларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғдирадиган ва янги ечимларни излашга ундайдиган муаммо пайдо бўлганда” ўзини намоён қилади [7, 65-б.]. Билимнинг етишмаслигини муаммо қилиш касбий бошқарув вазифаларини янада самарали ечимини излашга ёрдам беради.

**6. Таълимнинг контекстлиги.** Амалий фаолиятнинг янги билимлари ва усуллари, агар улар мавжуд бўлган стереотиплар билан боғлиқ бўлса, инсон томонидан осонликча қабул қилинади. Шакланган субъектив тажриба тизимидаги стереотипларни, муносабатларни қайта қуриш зарурати туғилиши мумкин. Катталар ўзларининг касбий фаолияти контекстида янги билим ва қўникмаларнинг ўрни ва ролини тушунганларида уларни осонликча ўзлаштирадilar. Катта



кишининг ҳаётий ва касбий тажрибаси ўқув материални идрок этиш жараёнига таъсир қилади. Ушбу тамойилга кўра, ўқитувчининг касбий тажрибаси ҳам ўзи ва ҳамкасблари учун машғулот манбаларидан бири сифатида ишлатилади.

7. Унинг натижаларини (алгоритмлар, дастурлар, технологиялар, реферат ва бошқалар) расмийлаштиришдан иборат бўлган *таълим жараёнининг нисбий “туғалланганлиги”*, “бу таълим жараёни учун юқори мотивацияни сақлаш ва ривожлантириш усулларида биридир” [9, 109-б.].

Хулоса қилиб айтганда мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг малакасини ошириш моделини такомиллаштиришда шахсга йўналтирилган ёндашувни амалга оширишга имкон берадиган таълим тамойиллари асос қилиб олинди. Ушбу тамойиллар мактабгача таълим муассасалари раҳбарларини ўқитиш жараёнида амалга оширилади, бу нафақат унинг таркибий томонини, балки андрагог-ўқитувчи ва тингловчиларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятини намоён қилади.

Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларини ўқитиш тамойилларини белгилашда биз белгиланган тамойилларга ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ифодаланган тамойилларга суяндиқ. Ўқитишнинг асосий тамойилларини танлаш инсонпарварлик йўналишиги, таълим жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларига, унинг таркибий хусусиятларига, мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг малакасини оширишга ва касбий ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан асосланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бондаревская Е.В. Гуманистическая парадигма личностно ориентированного образования // Педагогика. - 1997.- № 4 - С. 11-17.
2. Браже Т.Г. Принципы оценки деятельности андрагога // Андрагог в открытом обществе: материалы российско-польского семинара. - Санкт-Петербург - Иркутск - ПЛОСК, 2000. - 242 с.
3. Деркач А.А. Акмеология: личностное и профессиональное развитие человека / В 2 ч. Акмеологические основы управленческой деятельности / А.А. Деркач. - М.: РАГС, 2000. - 536 с.
4. Змеев С.И. Андрагогика: основы теории и технологии обучения взрослых. - М.: ПЕР СЭ, 2003. - 207 с.
5. Кожокаръ В.П. Взаимосвязь подготовки и повышения квалификации организаторов дошкольного воспитания: автореф. дис. ... канд. пед.н. / В.П. Кожокаръ. - М., 1991. - 16 с.
6. Кулюткин Ю.П. Ценностно-смысловые ориентиры современного образования. - СПб, 2002. - 96 с.
7. Лернер И.Я. Задачи и содержание общего и политехнического образования // Дидактика средней школы: учебное пособие для слушателей ФПК / И. Я. Лернер, М.Н. Скаткин. - М.: Просвещение, 1982. - Глава 3. - С. 90-129.
8. Мицкевич Н.И. Теоретические основы дидактической системы повышения квалификации: автореф. дис. ... докт.пед.наук. - Санкт-Петербург, 2001. - 50 с.

9. Образование взрослых: реальности, проблемы, прогноз / Под ред. С.Г. Вершловского. – СПб, 1998.
10. Постдипломное педагогическое образование: проблемы качества: научно-методическое пособие / Под ред. С.Г. Вершловского. - СПб: государственный университет педагогического мастерства, 2003. - 239 с.
11. Қосимова Ш.Н. Малака ошириш жараёнида мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарларини касбий ривожлантириш // НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ. – 2020. - №6. – 321-325.
12. Қосимова Ш.Н. Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари малакасини ошириш моделини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари // “Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар” мавзусидаги конференция матеиаллари. – 2020. - №19/2. – 344-346.

### **БАДИЙ ГИМНАСТИКАДА БУЮМ БИЛАН БАЖАРИЛАДИГАН МАШҚЛАРНИНГ АЛОҲИДА ХУСУСИЯТЛАРИ.**

Холматов Низомжон Умаржонович  
Наманган Муҳандислик-технология  
институти, ўқитувчи

*Аннотация:* мазкур мақолада ёш қизларни гимнастикада кенг қўлланадиган буюмлар билан бажариладиган машқларни бажаришнинг бошлангич ўргатиш муҳим аҳамият касб этиши ва бундай машқларни бажариш жараёни, тезлиги, малака ҳамда кўникмаларини мукамал ўзлаштириш усуллари ишлаб чиқиш ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

*Калит сўзлар:* амортизация, силташлар ва ўтказишлар, думалатиш, “Х”симон айлантириш, чўқмоқсимон ҳаракат, гироскопик эффект.

### **ОСОБЫЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ УПРАЖНЕНИЙ В РИТМИЧЕСКОЙ ГИМНАСТИКЕ**

Холматов Низомжон Умаржонович  
Наманганской Инженерно-технологический  
институт, преподаватель

*Аннотация:* В статье представлена информация о важности базовой подготовки девушек к выполнению упражнений с предметами, широко применяемыми в гимнастике, а также о разработке методов овладения процессом, скоростью, навыками и умениями выполнения таких упражнений.

*Ключевые слова:* демпфирование, щелчки и смещения, качение, Х-образное вращение, приседание, гироскопический эффект.

### **SPECIAL CHARACTERISTICS OF EXERCISES IN RHYTHMIC GYMNASTICS**

Kholmatov Nizomjon Umarzhonovich  
Namangan Engineering and  
Technology institute, teacher

61	Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарлари иқтисодий компетентлигини шакллантириш моделини такомиллаштириш Нигматова Г.Н .....	348
62	Масофавий таълим технологиялари асосида мустақил ишларни ташкил этишга оид дастурий маҳсулотларни яратиш методикаси Пардаева Г.А .....	355
63	Тасвирий фаолият жараёнида мактабгача ёшдаги болаларни ижодий ривожлантириш технологияси Пўлатов Ф.У .....	361
64	Моделлаштирилган ишлаб чиқариш муҳитида замонавий муҳандисларни тайёрлашни такомиллаштириш Сайдалиев И.Н .....	365
65	Иқтисодий масалаларни ҳал қилишда математик усулларнинг роли Сафарбаева Н.М .....	371
66	Туризм соҳаси ва таълим тизимининг ўзаро интеграция жараёни Халилов Б.А .....	375
67	Таълим – тарбия предметида педагогика тарихини тасаввуф билан боғлиқлиги Чориев И.А .....	380
68	Вояга етмаган ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт омилининг замонавий ижтимоий-педагогик жиҳатлари Сиддиқов Э.Б .....	384
69	Математика дарсларини лойиҳалаш методологиясининг баъзи элементларини ўқитишда ваколатларга асосланган ёндашув Кодиров К. Р, Нишонбоев А.С, Йигиталиев Й. У .....	390
70	Мактабгача таълим ташкилоти раҳбарларининг малакаси ошириш моделини такомиллаштириш тамойиллари Қосимова Ш.Н .....	394
71	Бадий гимнастикада буюм билан бажариладиган машқларнинг алоҳида хусусиятлари. Холматов Н. У .....	400